



Кадрлар бўлими тўғрисида НИЗОМ

І. Умумий қоидалар

1. Кадрлар бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Тошкент вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб юритилади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлиғи бевосита раҳбарлигида, шунингдек Давлат статистика қўмитаси Кадрлар бошқармасининг умумий раҳбарлигида кадрлар бўйича бошқарма ишларини ташкил этилишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди.

2. Бўлим фаолияти Тошкент вилояти статистика бошқармаси тизимида ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишга йўналтирилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги қонунига, Давлат статистика қўмитасининг қарорлари ва буйруқлари ҳужжатларига, “Тошкент вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, шунингдек, мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарманинг бошқа таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

ІІ. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Кадрларни танлаш ва жойлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш ва амалга ошириш, уларнинг малакасини ошириш, бошқарма тизими учун кадрларни ўқитиш ва қайта ўқитиш тизимини шакллантиришга ёрдам бериш;

раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун кадрлар заҳирасини шакллантириш ва тайёрлаш;

Бошқарма тузилиши ва штатлар жадвалини мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

ходимлар билан ишлашда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига риоя этилишини таъминлаш;

Бошқарма ходимларининг иш қобилиятини ошириш мақсадида, ишлаш учун қулай шарт-шароит яратишга ва жамоада соғлом маънавий-руҳий муҳитни сақлаб туришга доир ишларни амалга ошириш;

кадрлар ишига оид янги усуллар ва илғор технологияларни жорий этиш, кадрларга доир ҳужжатларни мувофиқлаштириш ва унификациялаш, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш асосида ходимларни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларида бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари фаолияти юзасидан услубий бошқарувни амалга ошириш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқарма ходимларининг танланиши ва жой-жойига қўйилишини таъминлайди;

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари ходимларини ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва улар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаб, кўриб чиқиш учун раҳбариятга тақдим этади;

Бошқарма бўлинмаларидаги кадрлар билан боғлиқ вазиятни мунтазам таҳлил қилиб боради, ундаги ўзгаришлар бўйича тегишли таклифлар тайёрлайди;

ходимларнинг амалий ва касбий сифатларини ўрганади, уларнинг касбий ва лавозим поғоналарида ўсишини режалаштиради;

бошқарувнинг барча даражалари учун таъсирчан кадрлар захирасини яратади ва уни аниқ мақсадли тайёрлаб боради;

ходимларни аттестациядан ўтказилишини ташкил этади, аттестация яқунларини таҳлил қилади, тегишли ҳужжатлар ҳамда буйруқларни тайёрлайди ва расмийлаштиради;

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларида кадрлар масалалари бўйича меҳнат қонунчилиги ва амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, Бошқарманинг қарорлари ва қўлланмалари бажарилиши юзасидан назорат ишларини ташкил қилади;

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларининг тузилма ва штат бирликларига ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритиш, Бошқарма лавозимлар номенклатурасига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларини кўриб чиқади ва бошқарма раҳбариятига тегишли таклифлар киритади;

ишга янги қабул қилинган ходимларнинг умумий ва касбий кўникиши борасидаги ишларни олиб боради, кадрлар кўнимсизлиги сабабларини ўрганади, кадрларни барқарорлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг амалдаги чора-тадбирлари самарадорлигини таҳлил қилади, уларнинг ходимлар меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишга таъсирини кучайтириш юзасидан таклифлар ҳамда тавсиялар киритади;

замонавий ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланган ҳолда кадрларни бошқариш усулларини жорий этади;

кадрлар шахсий таркибининг шахсий ва статистик ҳисобини юритади ҳамда белгиланган ҳисоботларни тайёрлайди;

ходимларнинг меҳнат дафтарчалари, шахсий йиғма жилдлари, картотека ва бошқа ҳисобга олиш материалларини юритади ҳамда сақланишини таъминлайди;

кадрларга оид ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда бошқарманинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига маслаҳатлар ҳамда методик ёрдам беради;

Бошқарма бўлинмаларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларида амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишини назорат қилади;

ходимларнинг хизмат сафарлари бўйича буйруқлар тайёрлайди, хизмат сафари гувоҳномаларини ва бошқа тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради, хизмат сафарига юбориладиган ходимлар ҳисобини юритади;

меҳнат таътилларидан ўз вақтида фойдаланилишини назорат қилади, бу борада белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради;

ҳарбий хизматга мажбур бўлганларнинг ҳисобини юритади, ишлар режасини ва белгиланган тартибда ҳисоботларни ишлаб чиқади;

Бўлимга тааллуқли масалалар бўйича хатлар, таклифлар, аризалар, фуқаролар ва бошқарма ходимлари мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлайди;

Бошқарма раҳбар ходимларининг имзоларини тасдиқлайди;

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари учун кадрлар тайёрлаш мақсадида, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳузуридаги Олий бизнес мактаби, олий таълим муассасалари, базаларида бошқарма ходимларини малака оширишлари бўйича тегишли ишларни олиб боради;

алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимларни, шунингдек юбилей саналари муносабати билан давлат мукофотлари, фахрий ёрликлар, мукофотлар билан тақдирлаш ҳамда улар учун рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллаш юзасидан материалларни белгиланган тартибда тайёрлайди;

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш, қулай меҳнат шарт-шароитлари яратиш, дам олишни ташкил этиш ва улар саломатлигини ҳимоялашга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

белгиланган тартибда касаллик варақаларини расмийлаштиради, бошқарма ходимларига пенсиялар тайинланиши муносабати билан ҳужжатларни тайёрлайди;

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларида меҳнат интизомига риоя этилиши устидан назоратни ташкил этади, Қўмита ходимларини интизомий жавобгарлиги масалалари бўйича кўриб чиқиш учун таклифлар тайёрлайди;

тасдиқланган тартибга мувофиқ, бошқарма ходимларига хизмат гувоҳномалари ва рухсатномалар расмийлаштирилиши ҳамда берилишини ташкил этади;

ходимларнинг ҳозирги ва аввалги меҳнат фаолияти тўғрисида маълумотномаларини беради;

Бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимлари ходимларига ва ишга қабул қилинаётган ишчиларга маслаҳатлар беришни амалга оширади;

Бошқарма тизимининг кадрлари учун ўқитишнинг қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий базасини яратишда иштирок этади;

Бошқарма тизими бошқарув кадрларининг малакаси ва билим савиясини доимий равишда ошириб бориш тизимини амалга оширади.

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган иқтисодийнинг энг муҳим устивор йўналишларини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

кадрлар билан ишлаш учун режалар ва дастурларни ишлаб чиқиш учун зарур ахборотни белгиланган тартибда бошқарма ва ҳудудий статистика бўлимларидан сўраш ва олиш;

ўз ваколати доирасида Бошқарма тизимида кадрлар ишларининг аҳволи ва малакасини оширилишини таъминлаш масалалари бўйича йиғилишлар ўтказиш;

Бошқарма тизимида меҳнат қонунчилигига ҳамда кадрлар билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш ва текшириш;

меҳнат қонунчилиги ҳамда кадрлар билан боғлиқ қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш, амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларини бузилишига йўл қўйган раҳбарлар ва бошқа ходимларни жавобгарликка тортиш юзасидан бошқарма раҳбариятига таклифлар бериш;

кадрлар билан ишлаш ҳамда бошқарма тизими тузилмаси ва штатлар жадвалини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан белгиланган тартибда раҳбариятга таклифлар киритиш;

Бошқарма раҳбарияти ўтказадиган йиғилишлар ва кенгашлар ишида қатнашиш ва ташкилий чора тadbирлар штказилсин;

ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича маълумотларни ва зарур бўлган материалларни Қўмитадан сўраш;

Бошқарма фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун бошқарма таркибий бўлинмалари раҳбарлари билан келишган ҳолда мутахассисларини жалб этиш.

10. Бўлим:

Бошқармада ягона кадрлар сиёсатини йўлга қўйиш ва амалга оширишга ҳамда ўз ваколати доирасидаги бошқа материалларнинг тавияси учун;

Бошқармада меҳнат қонунчилиги меъёрларига риоя этилишини таъминлаш учун;

Бошқарма ходимлари учун қулай иш шарт-шароитларини яратилиши ва жамоада соғлом маънавий-руҳий муҳитни сақлаб туриш учун;

Бўлимга тегишли маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлашга, келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

11. Бўлим бошлиғи ва ходими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устивор вазифалар ва замонавий талаблардан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Тошкент вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низоми, ҳамда ушбу Низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бошқарма фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Тошкент вилояти статистика бошқармаси тўғрисидаги Низом, бошқарма буйруқлари, бошқарманинг I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, Кадрлар бўлимининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғи билан келишилади ва тасдиқланади.

13. Бўлим фаолиятига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади. Бўлим бошлиғи бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.